

**НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ХАРАЖАТЛАРИНИ
РЕЖАЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИНГ ҲИСОБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Хожиев Меҳриддин Сулаймонович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Аудит” кафедраси профессори, PhD
e-mail: dj.msx@mail.ru, ORCID: [0000-0002-0968-5726](https://orcid.org/0000-0002-0968-5726)

Аннотация. Ушбу мақолада нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) харажатларини режалаштириш ва уларнинг ҳисобини такомиллаштиришнинг муаммолари жиҳатлари, устав фаолияти доирасида харажатлар ва тушумлар ҳисобини акс эттириш тартиби ёритилган.

Калит сўзлар: нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ), мақсадли режа-смета, оператив-молиявий режа, тадбиркорлик, тижорат, мақсадли тушум, грант, субсидия, молиявий ҳисобот.

Барча нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) дан асосий устав фаолияти (нотижорат) доирасида мақсадли даромадлар (тушумлар) ва мақсадли харажатларни ҳисобга олиши, яъни оператив-молиявий режасини (даромадлар ва харажатлар сметасини) тайёрлаши ва тасдиқлаши, ҳисобот даврининг охирида эса режанинг (бюджет, смета) бажарилиши тўғрисида “Мақсадли тушумларни сарфланиши тўғрисида ҳисобот” тузиши таклиф этилади.

Оператив-молиявий режа (бюджет, смета) моддаларига мисол тариқасида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

-иш ҳақи ва ижтимоий солиқ тўловга ажратмалар бўйича харажатлар;

-сафар харажатлари;

-асбоб-ускуна ва канцелярия харажатлари;

-электр энергия, газ, сувга харажатлар;

-маъмурий ва бошқа биноларни жорий таъмирлаш харажатлари;

-асосий воситаларга эскириш харажатлари;

-банк ва бошқа харажатлар.

ННТ томонидан мақсадли маблағларни қатъий оператив-молиявий режага (бюджет, смета) асосан ННТни сақлаш ва унинг устав фаолиятини юритиш бўйича харажатларни молиялаштиришга ишлатилади.

ННТни сақлаш харажатлари моддалари оператив молиявий режада (бюджет, смета) акс эттирилади. Бир қанча мақсадли дастур бажарилганда уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида оператив молиявий режа (бюджет, смета) тузилиши мақсадга мувофиқ. Ҳар бир дастур бўйича оператив молиявий режаларда (бюджет, смета) бошқа харажатлар қаторида маъмурий харажатлар кўзда тутилиши мумкин [1]. Бунда ННТда барча маъмурий харажатларини алоҳида дастурлар ўртасида тақсимланиши

зарурияти юзага келади.

Агарда мақсадли дастурлар бўйича харажатлар оператив-молиявий режада (бюджет, смета) фақатгина тўғри харажатлар (ННТни сақлаш харажатларини ҳисобга олмаган ҳолда) кўзда тутилган бўлса, бу ҳолда маъмурий харажатлар алоҳида дастурлар ўртасида тақсимланмайди, балки тўлиқ ННТларни сақлаш учун аъзолик бадаллари ҳисобига қопланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларда йил бошида тасдиқланган ҳисоб сиёсати ва режа-сметага кўра харжатлар муомалаларини акс эттириш учун ҳисобварақлар ишчи режаси янги ҳисобварақа очиш лозим. Бу эса амалдаги 21-БХМС талабларига мувофиқ[5] ҳисобварақлар режасида ишлатилмайдиганлари орасида алоҳида ҳисобварақлар (бир ҳисобварақ илова ҳисобварақлари) киритилишини тавсия қиламиз. Бунда ННТ асосий фаолити билан боғлиқ дастурлар бўйича барча харажатлар қуйидаги счётларга йиғиб бориш таклиф этилади:

2200 – *Мақсадли дастурлар бўйича харажатларни ҳисобга олувчи ёрдамчи счётлар;*

2210 – “ННТ мақсадли дастурлари бўйича харажатлар”;

2211 – “№1 мақсадли дастур бўйича харажатлар”;

2212 – “№2 мақсадли дастур бўйича харажатлар”;

2290 – “ННТ Ресурсларни ривожлантириш дастури бўйича харажатлар” каби аналитик ҳисобварақларда акс эттирилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ННТни сақлаш ва тадбиркорлик фаолиятига боғлиқ бўлмаган устав фаолиятини юритиш билан боғлиқ барча харажатлар қуйидаги алоҳида счётларда тўлиқ ҳисобга олиниши мумкин:

9421 “ННТнинг маъмурий харажатлари” счёти;

9431 “ННТнинг бошқа операцион харажатлари” счёти.

ННТнинг махсус ишлаб чиқилган ишчи счётлар режасига мувофиқ ушбу счётда штатдаги ишчилари иш ҳақи харажатлари, ижара харажатлари, канцелярия жиҳозлари, коммунал хизматлари тўловлари, асосий воситаларнинг таъмирлаш харажатлари ва ННТни бошқариш билан боғлиқ бошқа жорий харажатлари йиғиб бориш учун тавсия этилади.

Амалиётдаги ННТ бухгалтерия ҳисоби хизмати ходимларига ҳар ойда устав фаолияти бўйича харажатларни ҳисобга олувчи барча счётлар мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар (8800) билан ёпилади[4]. Ушбу операциялар бухгалтерия ёзувлари 1-жадвалдаги тартибда акс эттириш тавсия этилади.

ННТда мақсадли маблағлар эвазига олинган мулк мулкларни ҳисобга олувчи тегишли счётларда акс эттирилади. Бу мақсадда асосан икки счёт: ўз фаолиятида фойдаланиши учун асосий восита сотиб олинганда - 0700 “Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар” счёти, 0800 “Капитал қўйилмалар” счёти ва текинга бериш ёки мақсадли дастурларни бажариш учун мўлжалланган материаллар, хом-ашё, бойликлар сотиб олинганда – 1011 “Мақсадли хом ашё ва материаллар” счётларидан фойдаланилади.

BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

1-жадвал

ННТнинг устав фаолияти доирасида харажатлар ва тушумлар ҳисобини акс эттириш тартиби¹

Операция мазмуни	Дебет	Кредит
ННТ аъзоларининг аъзолик бадаллари бўйича қарзлари акс эттирилди	4892 “Таъсисчилар ва аъзоларнинг аъзолик бадаллари бўйича қарзлари” счёти	8830 “Аъзолик бадаллари” счёти
ННТ аъзолари ва таъсисчиларнинг бошқа мақсадли бадаллари бўйича қарзлари акс эттирилди	4895 “Бошқа мақсадли тушумлар бўйича қарзлар” счёти	8890 “Бошқа мақсадли тушумлар” счёти
Аъзолик бадаллари тўланиши акс эттирилди	(5000) Кассада пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар; (5100) Ҳисоб-китоб счётида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар	4892 “Таъсисчилар ва аъзоларнинг аъзолик бадаллари бўйича қарзлари” счёти; 4895 “Бошқа мақсадли тушумлар бўйича қарзлар” счёти
Мақсадли дастурларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар акс эттирилди	2210 “Мақсадли дастурлар бажарилиши харажатлари (турлари бўйича)” счёти;	(1000) Материалларни ҳисобга олувчи счётлар; 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар” счёти; 6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар (турлари бўйича)” счёти ва бошқалар; (0200) Асосий воситалар эскиришини ҳисобга олувчи счётлар ва ҳ.
Маъмурий-бошқарув ходимларига меҳнат ҳақи ва Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов харажатлари ҳисобланди	9421 “ННТнинг маъмурий харажатлари» счёти;	6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар” счёти; 6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар (турлари бўйича)” счёти ва бошқалар.
ННТни сақлаш бўйича бошқа харажатлар ҳисобланди	9431 “ННТнинг бошқа операцион харажатлари” счёти	6990 “Бошқа мажбуриятлар” счёти; 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” счёти ва бошқалар.
ННТнинг устав фаолияти бўйича харажатлари ҳисобдан чиқарилди	8830 “Аъзолик бадаллари” счёти; 8890 “Бошқа мақсадли тушумлар” счёти	2210 “Мақсадли дастурлар бажарилиши харажатлари (турлари бўйича)” счёти; 9421 “ННТнинг маъмурий харажатлари» счёти; 9431 «ННТнинг бошқа операцион харажатлари» счёти

Мисол. “O‘zLiDeP” ташкилотининг тасдиқланган оператив-молиявий режага (бюджет, смета) асосан мақсадли маблағларнинг 20 млн. сўм қисмини ташкилотнинг бошқарув эҳтиёжи учун енгил автомобил сотиб олишга йўналтирмоқда. Мақсадли маблағлар ҳисобига автомобил сотиб олиш ташкилот бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тартибда акс эттирилади:

¹ Муаллиф ишланмаси, 2024.

BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

Автомобил етказиб берувчига қарз тўланди:
Дебет 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар”;
Кредит 5110 “Ҳисоб-китоб счёти” счёти;
Автомобил олинди:
Дебет 0821 “Мақсадли ишлатиш учун асосий воситаларни сотиб олиш” счёти;
Кредит 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” счёти;
Олинган автомобил эксплуатацияга киритиш тўғрисидаги далолатномага асосан “O’zLiDeP” ташкилоти асосий воситалар таркибида ҳисобга олинди:
Дебет 0160 “Мақсадли маблағлар ҳисобига олинган транспорт воситалари” счёти;
Кредит 0821 “Мақсадли ишлатиш учун асосий воситаларни сотиб олиш” счёти;
Мақсадли маблағларининг автомобил сотиб олишга ишлатилишини акс эттириш:
Дебет мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар (8800);
Кредит 8850 “Асосий воситалар (шу жумладан амортизация харажатлари) манбалари” счёти.
“O’zLiDeP” ташкилотида мақсадли дастурларни бажариш бўйича харажатлар бевосита мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар (8800) гуруҳидаги тегишли счётлар дебетида акс эттирилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни, №763-І сонли 14.04.1999 йил.
2. Khojiyev M. Improvement of Audit of Payment in Non-State Non-Profit Organizations (NSNPO). *International Journal On Economics, Finance And Sustainable Development*/Vol. 4 No.2 (2022): IJEFSD/<https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD/article/view/2710/2587/>.
3. Khojiev, M. S. (2023). Improvement of Audit in Non–State Non–Profit Organizations. *International Journal of Social Science Research and Review*, 6(4), 604-612.
4. Khojiev, M. S. Improving audit of financial statements in non-state non-profit organizations/ *American Journal of Economics and Business Management*/ISSN: 2576-5973 Vol.6, No.9, 2023 September.
5. www.lex.uz - National database of legislation of the Republic of Uzbekistan.
6. Choriev I.X. Auditorlik faoliyatida tahliliy amallarni takomillashtirish. *Iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati*. – Toshkent:, «Iqtisod-moliya» nashriyoti, 2021, - 21-26 b.
7. Чориев И.Х. (2023). Молиявий ҳисоботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари. *Scientific Journal of “International Finance & Accounting*, Issue 1, February 2023.

BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

8. Чориев И.Х. (2023). Молиявий инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш. *Scientific Journal of “International Finance & Accounting*, Issue 2, April 2023.
9. Klichev, B.P., Choriev, I. X. (2021). The Issues Of Business Activity Organization In Uzbekistan. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI)*. Volume 12, Issue 7, July 2021: 4587-4593.-
[URL:https://www.tojq.net/index.php/journal/article/view/4494](https://www.tojq.net/index.php/journal/article/view/4494)
10. Юлдашев, Ж. А. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МИЖОЗЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАР ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ.
11. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda CVP-tahlilni tashkil etishning muammoli jihatlar. *YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT*, 4 (2024), 754–759
12. Қличев, Б. (2022). КРІ ТИЗИМИ АСОСИДА МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1343>
13. Klichev Bakhtiyar Pardayevich. (2024). Problematic Aspects of Organizing Cvp-Analysis in the Enterprises of Uzbekistan // *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 5(5), 241–248. Retrieved from <https://wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/4906>
14. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Korxonalarda operatsion faoliyat samaradorligini tahlil qilish masalalari. *World Scientific Research Journal*, 26(3), 86–94. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3251>
15. Косимович, Я. У. (2024). Ташқи савдо фаолиятида мақбул ечимни топиш масалаларини таҳлили. *World scientific research journal*, 26(2), 199-205.
16. Tulaev, M. (2024). Moliyaviy hisobot konsepsiyalari. *Nordic_Press*, 2(0002).
17. ҚЛИЧЕВ, . Б. П. (2022). ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛЛИГИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373>
18. Кличев, Б. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилин timer>

BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

23. Худоёров О.О. (2023). Банк тизимини рақамлаштириш шароитида рақамли банк технологияларини жорий қилиш . ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 99–107. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2788>

24. Xudoyorov, O. O. (2023). Bank daromadlarini oshirishda masofaviy bank xizmatlarini tutgan o‘rni.

25. Odilovich, K. O. (2024). IMPACT OF REMOTE BANKING SERVICES ON BANK INCOME. *International Journal of Education, Social Science & Humanities*, 12(6), 82-86.

26. Klichev, B.P., Tulaev, M.S. (2021). Issues of development of the analysis of business activity in joint-stock companies of Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*. ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 11, November 2021, 584-591. <https://doi.org/10.5958/2249-7137.2021.02539.8>

27. Majidov, J. K. (2019). Ways of improving management of credit portfolio at commercial banks. *International Journal of Research in Social Sciences*, 9(3), 725-736.

28. Мажидов Ж. (2024). Тижорат банклари активлар портфелларининг сифатини ошириш бўйича хориж тажрибаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. (2024). *Ustozlar Uchun*, 1(4), 1463-1467. <https://pedagoglar.org/index.php/02/article/view/3878>